# ТЕХНОЛОГИК ХАРИТА

| | |
|---|---|
| **Мавзу** | **МАШИНАЛАР ИШ ҚОБИЛИЯТИНИ ПАСАЙИШ САБАБЛАРИ ВА ТАЪМИРЛАШДАГИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЖАРАЁНИ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ** |
| **Мақсад ва вазифалар** | **Мақсад:**<br>Тингловчиларда машиналар иш қобилиятини пасайиш сабаблари, таъмирлаш ишлаб чиқариш ва технологик жараёнлар бўйича тушунчаларни шакллантириш<br>**Вазифалар:**<br>• Машиналарни иш қобилиятини пасайишига таъсир этувчи омиллар;<br>• Таъмирлаш ишлаб чиқариш ва технологик жараёнлари билан таништириш;<br>• Жараёнларнинг моҳияти, турлари ва аҳамиятини, қўлланиш соҳасини очиб бериш;<br>• жараёнда қўлланиладиган замонавий жиҳоз ва ускуналар бўйича талабларда тасаввурлар ҳосил қилиш;<br>• материалларни қай даражада ўзлаштирилганлигини назорат қилиш ва уларнинг билимини баҳолаш. |
| **Ўқув жараёнининг мазмуни** | Мелиорация ва қурилиш машиналар тизимларининг иш қобилиятини йўқотишнинг ҳарактерли кўринишлари. Нуқсонлар ва уларнинг содир бўлиш сабаблари. Машина ва ускуналарни таъмири ишлаб чиқариш ва технологик жараёнлар. Технологик жараёнларни бажаришда ресурс тежамкорликни таъминлаш йўллари. Машиналар таъмири сифатини ошириш бўйича тавсиялар (ишлаб чиқариш жараёни бўйича). |
| **Ўқув жараёнини амалга ошириш технологияси** | **Услуб:** Намойиш қилиш, тушунтириш, изоҳлаш ва “Зинама-зина” технологияси.<br>**Шакл:** Визуал (видео-кўразмали) маъруза.<br>**Восита:** Аудио-видео проектор, компьютер, слайдлар, тарқатма материаллар ва ёзув анжомлари<br>**Усул:** Тушунтириш ва видеоусул<br>**Назорат:** “Тушунчалар таҳлили” услуби<br>**Баҳолаш:** Савол-жавоб, “Ассесмент” техникаси асосида баҳолаш, мезоний (рейтинг тизими асосида). |
| **Кутиладиган натижалар** | **Ўқитувчи:**<br>Машиналарни таъмирлашдаги ишлаб чиқариш ва технологик жараёнларини қисқа вақт ичида тингловчилар томонидан ўзлатирилишига эришади, фаолликни оширади. Дарсга нисбатан қизиқиш уйғотади, тингловчиларни баҳолайди ҳамда қўйилган мақсадга эришади. Тингловчида мустақил ўрганиш, хотирада сақлаш, жамоага ўз фикри билан таъсир эта олиш, ўз фикрини баён |

| | |
|---|---|
| | этиш, ўз билимларини бир тизимга солиш ва гуруҳда ишлашга ўргатади.<br>**Тингловчи:**<br>Ишлаб чиқариш ва технологик жараёнлар доирасида янги билимларни эгаллайди. Гуруҳ бўлиб ишлашни ўрганадиўз-ўзини назорат қилишни ўрганади. Қисқа вақт ичида кўп маълумотга эга бўлади ва технологияларни баҳолай олади. |
| **Келгуси режалар (таҳлил, ўзгаришлар)** | **Ўқитувчи:**<br>Янги педагогик технолгияларни ўзлаштириш, такомиллаштириш. Ўз устида ишлаш. Мавзуни ишлаб чиқариш жараёни билан боғлаш. Педагогик маҳоратни ошириш.<br>**Тингловчи:**<br>Машиналарни таъмирлашдаги ишлаб чиқариш ва технологик жараёнларда иш сифатини ошириш бўйича қўшимча материаллар топади, уларни ўрганади. Жиҳоз ва воситаларни таҳлил қилиш бўйича билимини кенгайтиради. Ўз фикрини равон баён қила олади. |

**Мавзу:** “МАШИНАЛАР ИШ ҚОБИЛИЯТИНИ ПАСАЙИШ САБАБЛАРИ ВА ТАЪМИРЛАШДАГИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЖАРАЁНИ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ”

| | |
|---|---|
| *Вақт* 2 соат | *Тингловчила сони*: 55 та |
| *Ўқув машғулотининг шакли* | Маъруза |
| *Маъруза режаси / ўқув машғулотинг тузилиши* | 1. Асосий терминлар, тушунчалар ва таърифлар.<br>2. Машина иш қобилиятини пасайиши сабаблари.<br>3. Машиналарни таъмирлаш технологик жараёнларнинг кетма – кетлиги.<br>4. Таъмирлаш технологик жараёнларни тушунтириш. |
| *Ўқув машғулотининг тузилиши* | 1. Мавзунинг моҳияти, унга кириш технологик жараёнлар тўғрисида.<br>2. Маъруза мазмуни бўйича тайёрланган слайдни тариифлаш<br>3. Марузани слайд ва намуналардан фойдаланиб ўқиш.<br>4. Якунлаш, хулоса ва натижалар. |
| *Ўқув машғулот мақсади:* Машиналар иш қобилиятини пасайиш сабаблари ва буткул таъмирлашдан мақсад, таъмирлашда жараёнларнинг кетма – кетлиги, фойдаланиладиган жиҳозлар, технологик мосламалар, ускуна, станок ва ўлчов асбобларини ўрганиш. Технологик жараёнларни такомиллаштириш усуллари бўйича тушунчаларни шакиллантириш *бўйича тушунчаларни шакллантириш* | |

| | |
|---|---|
| *Педагогик вазифалар:*<br>- Ишламай қолиш сабабларини очи бериш;<br>- Машиналарни жорий ва буткул таъмирлашнинг моҳияти билан таништириш;<br>- Аграр соҳада таъмирлаш устахоналар туркуми ва ундаги муаммоларни очиб бериш;<br>- Таъмирлаш жараёнининг теъник – иқти – содий кўрсаткичларини шакллантириш; | *Ўқув фаолияти натижалари:*<br>- Таъмирлаш (жорий ва буткул) жараёнлари ва тушунчаларни билиб оладилар.<br>- Таъмирлаш жараёнларидаги нуқсонлаш (дефектация), комплектлаш (жамлаш) каби ва бошқа жараёнлар моҳиятини тушунтириб берадилар.<br>- Таъмирлаш йўналишини модернизациялаш усулларини ёритадилар. |
| *Таълим усуллари* | Маъруза (слайдлар ёрдамида), савол ва жавоблар, кластер, ақлий хужум. |
| *Таълимни шакиллантириш шакли* | Оммавий |
| *Таълим воситалари* | Маъруза матни, тарқатма материаллар (слайдлар орқали)<br>Венн диаграммаси, SWOT таҳлили. |
| *Таълим бериш шароити* | Махсус педтехнология ва воситалар билан жихозланган хона |
| *Мониторинг ва баҳолаш* | Оғзаки суҳбат: Ассисмент техникаси, тезкор – сўров, жавоб. |

**Маърузанинг технологик харитаси**

| Иш босқичлари ва вақти | *Фаолият мазмуни* | |
|---|---|---|
| | **таълим берувчи** | **таълим олувчилар** |
| 1 – босқич. Ўқув машғулотига кириш (20 дақ.) | 1.1. Мавзунинг номланиши, мақсад ва кутилаётган натижаларни тингловчиларга етказиш. Ўтилган мавзу билан боғлиқлиги қисқача тушунтирилади. Таъмирлаш технологик жараёнлар сохасидаги адабиётлар тавсия этилади. Қўлланиладиган жиҳозлар мослама, ускуна ва ўлчов асбоблари тавсия этилади. Синов стендлари бўйича тушунчалар берилади. | Эшитадилар, ёзиб (конспект) оладилар. Тушунмаган жойлари бўйича саволлар берадилар. |
| 2 – босқич. Асосий (50 дақ.) | 2.1. Мавзу бўйича стендлар слайдлардан фойдаланилади, ундаги матнларни кўчирилади, режа ва асосий тушунчалар билан танишиш таклиф этилади.<br>2.2. Слайдлар «Power Point» тартибида намойиш ва тушунтириш билан мавзу бўйича асосий назарий ва технологик холатлар баён этилади. Ақлий – хужум усули орқали муаммоли вазиятдан чиқиш йўлларини аниқлаб олади. Қизиқарли саволлар берилади. Мавзунинг ҳар бир жараёни бўйича хулосалар қиладилар; асосийларига эътибор берилади. Бериладиган маълумотлар дафтарга қайд этилиши этилади. | Слайд материалларни ўқийдилар. Схемаларни чизадилар (кўчирадилар). Тинглайдилар. Саволлар берилади. Асосий тушунча, атама ва таърифлар мухокама қилинади. Конспект ёзадалар (кўчирадилар). |
| 3 – босқич Якуний (10 дақ) | 3.1. Мавзу якунланади, ўтилган материаллар келгусида касбий фаолиятларида аҳамиятга эга эканлиги махимлиги тингловчилар эътиборини қаратилади.<br>3.2. Дарс мохияти базоланади.<br>3.3. Дарсликларда мустақил иш мавзулари белгилагади, топшириқ берилади ва уни баҳолаш мезонлари билан таништирилади. | Ўзини – ўзи, ўзаро бахолаш ўтказилади. Савол берадилар. Топшириқни (саволларни) ёзадилар. |